

Фазилов Икром Юсупович,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Жазони ижро этиш бош бошқармаси хузуридаги Пробация
хизмати бошлиғи ўринбосари, юридик фанлар доктори



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-6-7>

ПЕНИТЕНЦИАР КОДЕКС - ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЖИНОЯТ- ИЖРОИЯ КОДЕКСИ УЧУН ҲОЗИРГИ ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ НОМ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг рус тилидаги таҳририда "уголовный" сўзи қўлланилганлигини етарли асосларга кўра маъқуллаб бўлмаслиги, шунингдек ушбу кодексларнинг ўзбек ва рус тилларидаги номи мазмунан бир-бирига мувофиқ келмаслиги асосланган.

Калит сўзлар: Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Пенитенциар кодекси, жиноят-ижроия қонунчилиги, атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъноси, пенитенциар, пушаймон бўлиш, пенитенциар субъектлар, пробация назоратидаги шахслар, ижтимоий мослаштириш воситалари, қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш

Фазилов Икром Юсупович,

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
Заместитель Службы Пробации
при Главным управлении исполнения наказания
доктор юридических наук

ПЕНИТЕНЦИАРНЫЙ КОДЕКС - ЭТО ИМЯ, КОТОРОЕ СИНХРОНИЗИРУЕТСЯ С НЫНЕШНИМИ РЕФОРМЫ ДЛЯ НОВОЙ РЕДАКЦИИ УГОЛОВНО- ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО КОДЕКСА

Аннотация: В статье аналируется недостаточной обоснованности применения слова "уголовный" в редакции Уголовного, Уголовно-процессуального и Уголовно-исполнительного кодексов Республики Узбекистан на русском языке, а также несоответствии содержания названий этих кодексов на узбекском и русском языках.

Ключевые слова: Уголовный кодекс, Уголовно-процессуальный кодекс, Уголовно-исполнительный кодекс, Пенитенциарный кодекс, Уголовно-исполнительное законодательство, правовой смысл терминов и понятий, пенитенциарный, сожаление, пенитенциарные субъекты, лица контролируемые пробацией, средства социальной адаптации, выявление риска совершения повторных преступлений.

THE PENAL CODE - IS THE NAME THAT IS SYNCHRONIZED WITH THE CURRENT REFORMS FOR THE NEW EDITION OF THE PENAL CODE

Annotation: This article analyzes the insufficient validity of the use of the word "criminal" in the Criminal, Criminal procedure and Penal enforcement codes of the Republic of Uzbekistan in Russian, as well as the inconsistency of the content of the names of these codes in Uzbek and Russian languages.

Key words: Criminal code, Criminal procedure code, Criminal Executive code, Penitentiary code, the Criminal Executive legislation, the legal meaning of terms and concepts, penitentiary, remorse, prison entities, individuals monitored by probation, the means of social adaptation, the identification of risk of committing repeated crimes.

For citation: Fazilov Ikrom Yusupovich. THE PENAL CODE - IS THE NAME THAT IS SYNCHRONIZED WITH THE CURRENT REFORMS FOR THE NEW EDITION OF THE PENAL CODE. Journal of Law Research. 2019, 6 vol., issue 1, pp. 41-45

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарориди янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган (8-банди) [1].

Ҳозирги вақтда ушбу кодекснинг янги тахрирдаги лойиҳаси бўйича таклиф ва тавсияларни билдириш, янги илмий қарашларни илгари суриш норма ижодкорлиги фаолияти учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сон қарор билан маъқулланган "2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"да турлича талқин қилинадиган ёхуд уларни қўллаш бўйича тушунтириш талаб этувчи нормалардан воз кечиш (1.2-банди), жиноят-ижроия қонунчилигида фойдаланиладиган атама ва тушунчаларнинг ҳуқуқий маъносини аниқ ифодалаш ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш (1.3-банди), жиноят-ижроия қонунчилигидаги ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этиш (4-банди) назарда тутилган.

Илмий-амалий тадқиқотлар натижаларига таяниб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг рус тилидаги тахририда "уголовный" сўзи қўлланилганлигини етарли асосларга кўра маъқуллаб бўлмайди.

Биринчидан, ҳуқуқий терминологияга XVIII асрнинг охириги чорагида кириб келган[8], "уголовный" тушунчаси ўз этимологиясига эга эмас, яъни ушбу сўзнинг келиб чиқиши ҳозиргача аниқланмаган[4]. Жумладан, "уголовный" сўзининг келиб чиқиши бўйича қуйидаги илмий қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг биронтаси ҳам умумэтироф этилмаган:

а) "ҳаёт (бош) билан жавоб берадиган қонунлар" "уголовный" деб номланишидан келиб чиққан[6];

б) "уголовить" феълидан келиб чиққан бўлиб, "хафа қилиш", "жаҳлини чиқариш" маъносини билдиради[3];

в) "уголовь", "уголовье" сўзларидан келиб чиққан бўлиб, "ўлим жазосига маҳкум бўлган", "огир жазога тортилган" деган маънони билдиради[9].

Иккинчидан, ўзбек тилида "уголовный" сўзининг маъносини айнан акс эттирувчи сўз мавжуд эмас. Ўйлашимизча, кодексларни номлаш вақтида қонун чиқарувчида иккита вариант бўлган: биринчиси - "уголовный" сўзини умумэтироф этилган халқаро термин сифатида тан олиш ва уни қўллаш, иккинчиси - "уголовный" сўзи ўрнида бошқа муқобил сўз (жиноят, жазо каби)ни қўллаш. Бироқ, қонун чиқарувчи фақат биттасидан фойдаланиш имкони бўлган ушбу вариантларнинг иккаласини ҳам танлаб, кодексларнинг давлат тилидаги таҳририда "жиноят" сўзини, рус тилидаги таҳририда "уголовный" сўзини қўллаган.

Оқибатда Жиноят кодексининг номи рус тилига сўзма-сўз таржима қилинганда "преступный кодекс", "кодекс преступления"ни англатади[1]. Жиноят-процессуал кодекси ва Жиноят-ижроия кодексига ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Янада кўпроқ эътирозга сабаб бўладиган томони шундаки, кўриб чиқиладиган кодексларнинг номини рус тилидан ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилиб бўлмади ("уголовный" сўзининг маъносини айнан акс эттирувчи сўз мавжуд эмаслиги сабабли).

Яққол кўришиб турибдики, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўзбек ва рус тилларидаги номи мазмунан бир-бирига мувофиқ келмайди.

Учинчидан, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларининг ўзбек тилидаги номининг мазмуни бўйича айтиш мумкинки, қонуннинг ўзи жиноят ёки жиноятни қонуни бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят-процессуал - жиноят жараёни, жиноят-ижроия - жиноятни ижро қилиш деган эътирозли маънога олиб келади.

Тўртинчидан, дунёнинг аксарият тилларида жиноят билан боғлиқ ҳуқуқ соҳасини номлашда "жиноят" (criminal) ёки "жазо" (penal) сўздан келиб чиқилади. "Жиноят гоёси" жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят-ижроия ҳуқуқи соҳаларининг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Шу боис, аксарият хорижий мамлакатларда Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексининг номланиши учун "жазо гоёси" асос қилиб олинган:

- Жиноят кодекси номланишида Аргентина (Codigo Penal), Бельгия (Code p?nal), Исландия (General Penal Code of Iceland), Испания (Codigo Penal de Espa?a), Италия (Codice Penale), Мексика (Codigo Penal Federal), Перу (Codigo Penal del Per?), Покистон (Pakistan Penal code), Сингапур (Penal code of the Republic of Singapore), Туркия (T?rk Ceza kanunu), Франция (Code p?nal), Чехия (Czech Penal Code), Чили (Codigo Penal de Chile), Эстония (Penal Code), Япония (Penal code), Ҳиндистон (Indian Penal code) каби давлатларда жазо тушунчаси қўлланилган, шунингдек инглиз, француз, испан каби жаҳон тилларида "penal" тушунчасидан фойдаланилганлиги унинг умумэтироф этилган халқаро атама эканлигидан далолат беради;

- Жиноят-ижроия кодекси номланишида Туркия (Ceza ve g?venlik tedbirlerinin infazi hakkinda kanun), Япония (Act on Penal Detention Facilities and the Treatment of Inmates and Detainees), Эстония (Пенитенциарный кодекс), Тожикистон (Кодекс исполнения уголовных наказаний Республики Таджикистан),

Озарбайжон (Кодекс Азербайджанской Республики об исполнении наказаний), Молдова (Исполнительный кодекс Республики Молдова), Грузия (Кодекс о заключении под стражу), Латвия (The Sentence Execution Code of Latvia) каби давлатларда жазо, пенитенциар ёки шунга яқин тушунчалардан фойдаланилган.

"Пенитенциар" тушунчаси лотинча "penitentia" сўзидан олинган бўлиб, "пушаймон бўлиш", "тавба қилиш" (раскаяние) маъносини англатади[5]. Аҳамиятли томони шундаки, жазо ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан асосий мақсад маҳкумни ахлоқан тузатиш, бошқача айтганда унинг пушаймон бўлишини ва жиноят содир этиш йўлидан қайтишини таъминлаш ҳисобланади.

Халқаро амалиётда жазолар ва жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи органларни "пенитенциар органлар", шунингдек жиноят-ижроия тизимини "пенитенциар тизим" деб аташ умумэтироф этилган.

Мамлакатимизда "пенитенциар" тушунчаси илмий муомалага киритилган. Жумладан, 2017 йилда Тошкент давлат юридик университети изланувчиси Н.С. Салаев "Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш" мавзусида юридик фанлар доктори диссертациясини ҳимоя қилган[7].

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Жиноят-ижроия кодексини номлашда "жазо", бошқача айтганда, пушаймон бўлиб жиноят содир этиш йўлидан қайтиш гоёсини асос қилиб олиб, халқаро амалиётда умумэтироф этилган "пенитенциар" тушунчасидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Шунга кўра, ушбу кодексининг номланишини Ўзбекистон Республикаси Пенитенциар кодекси деб белгилашни таклиф этамиз.

Мухтасар айтганда, ушбу таклифнинг инobatта олинishi нафақат замонавий халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилишга, балки халқаро амалиётдаги самарали ҳуқуқий институтлар (пенитенциар субъектлар, пробация назоратидаги шахслар, ижтимоий мослаштириш воситалари ҳамда уларни қўллаш, қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш)ни жорий этишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ-4006-сонли қарори [Электрон манба] // URL: <http://lex.uz> (мурожаат қилинган вақт: 21.05.2019). (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for radical improvement of Criminal-executive legislation" dated November 7, 2018 [Electronic source] // URL: <http://lex.uz> (reference time: 21.05.2019))

2. Ахмедов Г., Саидов А. Проблемы узбекской юридической терминологии // Бюллетень Верховного Суда Республики Узбекистан. - 1992. - № 3. - С. 92.(Akmedov G., Saidov A. Problems of Uzbek legal terminology // Bulletin of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. - 1992. - № 3. - P. 92.)

3. Даль В. Толковый словарь живого великорусского языка. - М., 1882. - С. 467.(Dal V. Explanatory dictionary of the living great Russian language. - M., 1882. - P. 467.)

4. Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: закон и практика. - Т, 1991. - С. 70.(Norbutaev E.H. The Fight against crime: law and practice. - T, 1991. - P. 70.)

5. Пенитенциарная система [Электронный ресурс] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (дата обращения: 21.05.2019).(The penal system [Electronic resource] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (date accessed: 21.05.2019))

6. Российское уголовное право. Общая часть. - М., 1994. - С. 3; Якубов А.С. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, унинг вазифалари, принциплари ва тизими, жиноят ҳуқуқи фани // Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - Б. 12-14. (Russian criminal law. Common part. - М., 1994. - P. 3; Yakubov A.S. The concept of criminal law, its functions, printing and system, the science of Criminal Law // Criminal Law. General part: textbook. - Т: Academy of IA of the Republic of Uzbekistan, 2009. - P. 12-14)

7. Салаев Н.С. Пенитенциар тизимнинг профилактик функцияси самарадорлигини ошириш: юридик фанлар доктори диссертацияси автореферати. - Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2017. - 58 б. (Salaev N.S. Increase the effectiveness of the profylactic function of the penitentiary system: The abstract of the doctor of law dissertation. - Т: Tashkent State University of Law, 2017. - 58 p)

8. Уголовное право [Электронный ресурс] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (дата обращения: 21.05.2019). (Criminal law [Electronic resource] // URL: <https://ru.wikipedia.org> (date of application: 21.05.2009).)

9. Якубов А.С. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, унинг вазифалари, принциплари ва тизими, жиноят ҳуқуқи фани // Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. - Б. 12-14. (Yakubov A.S. The concept of criminal law, its functions, printing and system, the science of Criminal Law // Criminal Law. General part: textbook. - Т: Academy of IA of the Republic of Uzbekistan, 2009. - P. 12-14.)